


ХИЗМАТЛАР

Хизматлар соҳасини ривожлантириш ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатда олиб борилаётган бозор ислоҳотлари жамиятни ривожлантиришнинг энг муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифаларини ҳал қилишда хизмат кўрсатиш соҳасининг ролини оширишга катта таъсир кўрсатади. Хизматларнинг хилма-хиллиги аҳолининг катта қисмини ҳаёт сифатини ва фаровонлигини яхшилаш имконини беради.

Хизматлар соҳасида 22,2 мингдан ортиқ корхоналар ва ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 7,2 % га кўпайди. Янги корхона ва ташкилотларни ташкил этиш, шунингдек, фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар томонидан инновацион технологиялардан фойдаланиш ва кўрсатилаётган хизматлар рўйхатини кенгайтириш келгусида иш ўринларини кўпайтириш ва аҳоли фаровонлигини оширишга ёрдам беради.

Хизматлар соҳасига тааллуқли фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотлар сони, минг бирликда

(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)



Иқтисодий фаолият турлари бўйича бозор хизматлари ишлаб чиқариш

(2018 йил январь-июнь ойлари учун)


	Млрд.сўм	Ўсиш суръати, %	Жамига нисбатан %
Хизматлар – жами	2885,4	105,1	100,0
<i>шу жумладан асосий турлари бўйича:</i>			
алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	173,3	116,1	6,0
молиявий хизматлар	272,4	112,5	9,4
транспорт хизматлари	754,7	103,4	26,2
шу жумладан: автотранспорт хизматлари	711,7	102,0	24,7
яшаш ва овқатланиш хизматлари	126,6	102,5	4,4
савдо хизматлари	1005,4	102,0	34,8
кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	85,6	104,6	3,0
таълим соҳасидаги хизматлар	97,8	117,5	3,4
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	55,8	105,4	1,9
ижара хизматлари	79,4	103,7	2,8
компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	71,2	105,1	2,5
шахсий хизматлар	63,7	100,3	2,2
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	26,7	116,5	0,9
бошқа хизматлар	72,8	106,4	2,5

Хизматлар таркибида энг катта улушни савдо хизматлари (34,8 %), транспорт хизматлари (26,2 %), молиявий хизматлар (9,4 %), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (6,0 %) ташкил этади.

Хизматлар умумий ҳажмида паст улушларни меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (0,9 %) ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар (1,9 %) эгаллади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар таркиби

(2018 йил январь-июнь ойлари учун)



Хизматлар таркибида савдо (34,8 %) ва транспорт (26,2 %) хизматлари улуш билан етакчи ўринни эгаллайди. Юклар ва йўловчиларни ташиш бўйича хизматлар ҳажмининг ошиш омиллари янги бино ва иншоотларни қуриш ва реконструкция қилиш, саноат зоналарини ташкил этиш ва кенгайтириш, савдо тармоқларини кенгайтириш, туризм фаолиятини ривожлантириш ҳисобланади.


Автотранспорт воситаларининг мустақил ҳаракатланиши, қулайлиги, ҳаракатчанлиги автомобиль транспорти хизматларига бўлган талабнинг ортишига хизмат қилади. Транспорт хизматлари таркибида автомобиль транспортининг улуши 94,3 % билан устунликка эга.

Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ва молия-кредит муассасалари хизматлари тез ривожланаётган хизмат турлари ҳисобланади. Янги технологияларга ва бозорни эркинлаштириш натижаларига таяниб, бу фаолият турлари ҳозирги вақтда ривожланишнинг янги босқичи сифатида пайдо бўлди ва бугунги кунда жамиятнинг технологик тараққиёти ва иқтисодиётнинг глобаллашувида ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, АКТ соҳасида инновацияларни жорий этиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида янги турдаги хизматларнинг пайдо бўлиши алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмини оширишга таъсир кўрсатади.

2018 йил январь-июнь ойларида республика бўйича алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажми 173,3 млрд.сўмга тенг бўлди. 2017 йил январь-июнь ойларига нисбатан алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ўсиши 16,1 % ни ташкил этди.

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари таркиби, %
(2018 йил январь-июнь ойлари учун)



Валюта сиёсатини эркинлаштириш, шунингдек, истиқболли инвестиция лойиҳаларини кредитлаш кўламини кенгайтириш, молиявий ташкилотлар томонидан инновацион хизматлар кўрсатиш (кредит бериш ва депозит ҳисоб рақамларни очиш бўйича электрон хизматлар кўрсатиш) борасида амалга оширилаётган ислохотлар молиявий хизматлар ҳажмининг ошишига таъсир кўрсатди.

Натижада, 2018 йил январь-июнь ойларида кўрсатилган молиявий хизматлар ҳажми 272,4 млрд.сўмга тенг бўлди, ўсиш 12,5 % ни ташкил этди.

Молиявий хизматлар умумий ҳажмида суғурта ва нафақа таъминоти бўйича хизматлардан ташқари молиявий хизматлар улуши (86,0 %) устунлик қилмоқда. Молиявий хизматлар умумий ҳажмида суғурта хизматларининг улуши 9,4 % ни, ёрдамчи молиявий фаолият - 4,6% ни ташкил этди.


Молиявий хизматларнинг таркиби (2018 йил январь-июнь ойлари учун)



Хизматлар соҳасининг ривожланишида энг катта улуш Бухоро шаҳри (64,3 %), Ёрдамчи молиявий фаолият (4,6 %), Когон шаҳри (3,2 %), Бухоро (3,2 %) туманларида кузатилмоқда.

Вилоят бўйича хизматларнинг умумий ҳажмида шаҳар ва туманларнинг улуши


(2018 йил январь-июнь ойлари учун)



Кўрсатилган хизматлар умумий ҳажмида энг кичик улушларни Когон (1,4 %), Пешкў (2,0 %), Қоровулбозор ва Шофиркон (2,1 %), Олот (2,2 %) туманлари эгаллайди.

Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар бўйича энг юқори кўрсаткич Бухоро шаҳрида - 6702,4 минг сўмга тенг бўлиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 105,0 % ни ташкил этди.

Шаҳар ва туманлар бўйича аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматларининг ҳажми ва ўсиш суръати
(2018 йил январь-июнь ойлари учун)



Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматларнинг энг паст кўрсаткичи Шофиркон (343,8 минг.сўм), Жондор (399,3 минг.сўм), Пешкў (494,5 минг.сўм) туманларида кузатилди.

Туманлар ўртасида юқори ўсиш суръатлари Қоровулбозор тумани (130,1 %), Бухоро шаҳри (105,0 %), Ғиждувон (103,3 %), Ромитан (102,9 %) туманларида кузатилди.

Шаҳар ва туманлар кесимида хизматлар ишлаб чиқариш

	Жами			Аҳоли жон бошига	
	млрд.сўм	2017 йил январь-июнга нисбатан %	Жами хизматлар ҳажмида ҳудудларнинг улуши, %	млрд.сўм	2017 йил январь-июнга нисбатан %
Бухоро вилояти¹⁾	2885,4	105,1	100,0	1538,3	103,6
Бухоро шаҳри	1854,3	105,3	64,3	6702,4	105,0
Когон шаҳри	92,0	100,2	3,2	1526,4	99,6
<i>туманлар:</i>					
Олот	63,1	103,2	2,2	656,8	101,7
Бухоро	90,6	103,4	3,2	563,5	101,1
Вобкент	84,0	102,7	2,9	622,0	101,2
Ғиждувон	252,1	104,8	8,7	840,0	103,3
Когон	40,2	103,9	1,4	537,6	101,3
Қорақўл	75,5	103,7	2,6	475,2	101,9
Қоровулбозор	61,5	133,9	2,1	3444,1	130,1
Пешкў	58,5	103,8	2,0	494,5	102,0
Ромитан	87,2	104,8	3,0	638,1	102,9
Жондор	67,2	103,2	2,3	399,3	101,4
Шофиркон	59,2	103,3	2,1	343,8	101,8

¹⁾Туманлар бўйича тақсимланмайдиган ҳажмларни қўшган ҳолда

Бухоро вилояти бўйича транспорт хизматларининг асосий кўрсаткичини автомобиль транспорти беради.

Юк ташиш. 2018 йил январь-июнь ойларида транспортнинг барча турлари томонидан 29,2 млн. т юklar ташилди, бу 2017 йил январь-июнь ойларига нисбатан 102,9 % ни ташкил этади. Шу билан бирга, юк айланмаси 792,1 млн. т/кмни ташкил этди.

	<i>2018 йил январь-июнь</i>	<i>2017 йил январь-июнга нисбатан %</i>
Транспортда ташилган юklar, млн.т	29,2	102,9
автомобиль транспорти	29,2	102,9
Транспорт юк айланмаси, млн. т/км	792,1	96,0
автомобиль транспорти	792,1	96,0

Йўловчи ташиш. Транспортнинг йўловчи ташиш айланмаси 2017 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан 3,8 % га ошиб, 144,1 млн. кишини ташкил этди. Йўловчи айланмаси 4,9 млрд. йўловчи/кмга етиб, 3,6 % га ошди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўлови айланмаси

	<i>2018 йил январь-июнь</i>	<i>2017 йил январь-июнга нисбатан %</i>
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	144,1	103,8
автомобиль транспорти	144,1	103,8
Транспорт йўловчи айланмаси, млн. йўловчи/км	4941,4	103,6
автомобиль транспорти	4941,4	103,6